

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДЖАЕВ МУХИДДИН КУШШАЕВИЧ

ГИДРОПРИВОДЛАР СУЮҚЛИК ҲАРАКАТЛАНИШ
СОҲАЛАРИДАГИ ВА ОҚИМИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР БИЛАН
СУЮҚЛИК ҲАРАКАТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.02.02 – «Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contentsof the Abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Худжаев Мухиддин Кушшаевич

Гидроприводлар суюқлик ҳаракатланиш соҳаларидаги ва оқимидаги ўзига хосликлар билан суюқлик ҳаракатини моделлаштириш 3

Худжаев Мухиддин Кушшаевич

Моделирование движения жидкости с особенностями в потоке и в области движения гидроприводов 27

Khudjaev Mukhiddin Kushshaevich

Simulation of fluid motion with features in flow and in areas of movement of hydraulic drives 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДЖАЕВ МУХИДДИН КУШШАЕВИЧ

**ГИДРОПРИВОДЛАР СУЮҚЛИК ҲАРАКАТЛАНИШ
СОҲАЛАРИДАГИ ВА ОҚИМИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР БИЛАН
СУЮҚЛИК ҲАРАКАТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.02.02 – «Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина
деталлари»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Т371 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Каримов Камолхон Аббосович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шарипов Конгротбай Авазимбетович техника фанлари доктори, профессор
	Арифжанов Айбек Мухамеджанович техника фанлари доктори, профессор
	Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «7» декабрь соат 12-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2, Механика факультети 3-хона. тел.: (99871)246-46-00, факс: (99871)227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (183 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2, Телфакс: (99871)227-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «1» декабрда тарқатилди.
(2020 йил «1» декабрдаги 117 - рақамли реестр баённомаси)

А.А. Мухиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Умумий машинасозликнинг янада ривожланиши долзарб илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш, рақобатбардош технологиялар, турли тармоқлар учун машиналар ва механизмларни яратиш учун чуқур фундаментал тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар зарурлиги билан боғлиқ. Машинасозликни янада ривожлантиришнинг асосий асосларидан бири бу механизмлар ва машиналарнинг умумий назарияси бўйича изланишларни жадаллаштиришдир.

Механизмлар ва машиналарнинг умумий назарияси бўйича олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижалари машинасозликнинг турли йўналишларида: аэрокосмик технологиялари, дастгоҳсозлик, автомобилсозлик, энергетика, шу жумладан ядро, нефт-кимё, кон-металлургия, тоғ-кон саноати ва бошқа соҳаларда ривожланишининг асосини яратди. Бундан ташқари, илмий асосланган назарий натижалар машиналар ва механизмлар назариясининг айрим соҳаларини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ, хусусан, аниқ машинасозлик, прецизион вибромеханика механикаси, асбобсозлик, робототехника, компьютер технологиялари, тиббиёт, космик ва махсус ускуналар, тебраниш машиналари, инновацион технологиялар ва бошқалар.

Машиналар ва механизмлар назарияси бўйича Халқаро федерация (IFToMM) Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1969 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда IFToMM дунёнинг 48 мамлакати олимларини бирлаштирган ва машиналар ва механизмлар назариясининг барча соҳаларини қамраб олган нуфузли ва қудратли илмий ташкилотдир. Ҳозирги кунда унинг асосий мақсади механика ва машинасозлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва амалий қўлланмаларни илгари суриш ва кенгайтиришдан иборат. Умумий ҳолда, машиналар ва механизмлар назарияси Халқаро федерациясининг (IFToMM) қарорларида таъкидланишича, механизмлар ва машиналар назариясининг асосий илмий йўналишлари қуйидагилардир: параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмлар; машиналарнинг динамикаси; вибрация; тишли ғилдираклар; инсон-машина тизимлари ва роботлар; автоматик тизимлар; пневматик ва гидравлик приводлар, машина механизмларини бошқариш учун ташқи физик майдонлар; ноньютон суюқликлар электрореологик ва магнитореологик эффекти; механизмлар ва машиналар назарияси учун математик, график ва компьютер дастурлари.

Ҳозирги вақтда машинасозликда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида тақдим этилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида механизмлар, машиналар ва машиналар қисмларига уларнинг тезлиги, аниқлиги, ишончлилиги, самарадорлиги, атроф-муҳитга нисбатан талабларини оширишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишдаги истиқболли иш бу аниқ механизм ёки машина қисмини кўриб

чиқишда ҳақиқий физик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда чуқур изланишларни жадаллаштиришдир. Хитой, Россия, АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор хорижий мамлакатларда бошқа турдаги машиналар приводлари билан муваффақиятли рақобатлашадиган. машинасозликда иш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг самарали воситаси сифатида гидравлик приводларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бутун дунёда ускуналар ва технологиялар учун янги ечимларни яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, механиканинг, математиканинг классик қонунларидан фойдаланган ҳолда ва замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жалб қилган ҳолда гидравлик приводлар ишлашини ва уларда юзага келадиган гидродинамик жараёнларни ўрганишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш долзарбдир.

Республикамизда саноатни модернизация қилиш орқали ускуналар ва технологиялар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу рақобатбардошлик, энергия тежаш, экология каби кўрсаткичларни ҳисобга олади. Шу нуқтаи назардан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётнинг энергия сиғими ва ресурс интенсивлигини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ..." вазифалари белгиланган. Ушбу талабни бажариш учун ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича чуқур тадқиқотлар асосида янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, мавжудларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Ушбу диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиладиган 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тугрисидаги"¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли 2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури, 2017 йил 23 августдаги № ПҚ-3238-сон замонавий энергия самарадорлиги ва энергия тежаш технологияларини янада жорий этиш чора тадбирлари тўғрисидаги ва 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон энергия манбаларидан оқилona фойдаланишни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоди маълум маънода хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

фан ва технологияларни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди: “Машиналар ва механизмлар назарияси”. “Энергия, энергия ва ресурсларни тежаш” ва “Математика, механика ва информатика”.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқодлар шарҳи.² Дунёда ускуналар ва технологияларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: машиналар, аппаратлар ва қурилмалар механизмларини такомиллаштириш, инновацион лойиҳалаш методологияси, иқлим шароитини ҳисобга оладиган технологиялар, юқори самарали машина механизмларини такомиллаштириш, уларни янги авлодини яратиш ва лойиҳалаш.

Янги технологиялар ва техник жиҳозлар конструкцияларини яратишга қаратилган илмий тадқиқодлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда. Жумладан қуйидаги илмий марказлар ва олий ўқув юртларида ҳам: Mechanical Engineering University of Michigan, Colifornia Institute of Technology (США), Manchester University (Англия), Ghent University (Бельгия), Kyoto University (Япония), Dortmund Technical University (Германия), University of Piraeus (Греция), Technische Universitat Munchen, University of Birmingham, Mechanical Engineering research Institute, The University of Sheffield (Великбритания), Cornell University, University of Wisconsin-Madison, Continental Eagle Corporation (США), University of Stuttgart, University of Applied Sciences in Mittweida (Германия), China University of Petroleum-Beijing (Китай), Toyohashi University of Technology (Япония), Kaunas University of Technology (Литва), Гедиминас номидаги Вильнюс техника университети (Литва), Ригатехника университети (Латвия), РФА Машинашунослик институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург политехника университети (Россия), Беларусь миллий техника университети (Беларусь), ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Наманган муҳандислик қурилиш институти.

Гидравлик привод тизимларини яратиш ва илмий тадқиқодлар ўтказиш қуйидаги жаҳон илмий марказлари ва дунёнинг олий ўқув юртларида муваффақиятли олиб борилмоқда: Машинашунослик ва гидравлик приводлар институти (Австрия), Пурлуе Университети (АҚШ), Гидроэнергетик привод ва системалар институти (Германия), Энергия узатиш ва ҳаракатларни бошқариш Маркази (Буюк Британия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

² Диссертация мавзусига доир бўйича халқаро илмий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги манбаалар асосида бажарилди: <https://www.ifw.uni-stuttgart.de/en/>; <https://www.utbm.fr>; <http://www.bmstn.ru>; <http://www.tsu.tula.ru>; <http://www.cvut.cz>; <http://conferences.ufs.ac.za/>; www.dissercat.com.

Машина ва механизмлар назарияси соҳасида дунё бўйича Adelman N., Bansevichus R., Bergstrasser M., Kiyoshi O., Ragulskis K., Redwood M., Levai Z., Yokoyama Y., Okabe S. каби МДХ давлатлари олимларидан Артоболевский И.И., Бессонов А.П., Блехман И.И., Вульфсон И.И., Вейц В.Б., Вирабов Р.В., Ганиев Р.Ф., Джолбасбеков У.А., Фролов И.К., Кожевников С.Н, Крайнев А.Ф., Коловский М.З., Крагельский И.В., Ходжаев К.Ш., Пронин Б.А., Нагаев Р.Ф., Мальцев М.Ф. сингари, Ўзбекистон Республикасида Усмонхўжаев Ҳ.Ҳ., Кўзибоев Ғ.С., Зокиров Ғ.Ш., Рахматқориев Ш.У., Амонов Т.Ю., Туранов Х.Т., Каримов Р.И., Садриддинов А.С., Каримов К.А., Алимухамедов Ш.П., Ризаев А.А., Жўраев А.Д., Баходиров Ғ.А., Мухаммадиев Д.М., Мухамедов Ж.М., Умурзоқов А.Х., Кенжабоев Ш.Ш. каби олимларнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Ҳозирги кунда бутун дунёда, гидроприводлар машинасозликда механизациялаш ва автоматлаштириш воситаси сифатида қаралиб, уларнинг тузилиши, конструкцияси, ҳисоб-китоби ҳамда улардаги гидродинамик жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёда Р.С.Sharma, М.Shoman, J.Parambath, Р.К.Guha, Р.Т.Balmer, I.Sivaraman, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Абрамов Э.И., Башта Т.М., Беляев Н.М., Гудилин Н.С., Галдин Н.С. ва бошқа кўплаб олимлари гидравлик приводларни ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Гидравлик приводларни ўрганишда Ўзбекистон олимлари Лебедев О.В., Шарипов К.А., Шермухамедов А.А., Аннақулова Ғ.Қ. ва уларнинг шогирдлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Гидравлик приводларни ўрганиш уларда содир бўладиган гидродинамик жараёнларни ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир. Дунёда ушбу жараёнларни ўрганувчи гидродинамика фанига Р.Г.Drazin, W.H.Ried, R.Wengeler, F.Charru, J.Ozonek, J.A.Sparenberg ва бошқа олимларнинг китоблари багишланган. МДХда ушбу жараёнларни ўрганувчи гидродинамика фанининг ривожланишига Лойцянский Л.Г., Попов Д.Н., Слезкин Н.А., Струминский В.В., Тарг С.М., Ўзбекистонда Файзуллаев Д.Ф., Бегматов А.Б., Ҳамидов А.А., Латипов К.Ш., Умаров А.И., Хўжаев И.К., Арифжанов А.М., Маликов З.М. ва бошқа кўплаб олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мавжуд ва истиқболли гидравлик приводларни лойиҳалаш ва уларда содир бўладиган гидродинамик жараёнларни моделлаштириш бўйича кўплаб ишлар мавжуд бўлишига қарамай, ҳақиқий физик жараёнларни ҳисобга оладиган янги реологик қонунлар орқали уларнинг ишини яхшилаш масалалари етарлича ўрганилмаган. Аслида, мавжуд ва истиқболли гидравлик приводларнинг барча лойиҳалаштириш ва моделлаштириш ишларида уларнинг юқори тезликда ишлайдиган режимлари ҳисобга олинмаган. Шу муносабат билан, энергия тежаш нуқтаи назаридан мавжуд ва истиқболли гидроприводларда энергия манбаини ташувчи вазифасини бажарувчиси сифатидаги ва зарур бўлган куч юкламаларини олишнинг асосий кўрсаткичи саналган суюқликлардаги гидродинамик жараёнларнинг

янги умумлаштирилган қонуниятларини ишлаб чиқиш зарурати бу муаммоларнинг долзарблигини билдиради.

Диссертация тадқиқодининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ПФН-2 “Машина ва механизмлар назарияси” фундаментал тадқиқотлар йўналиши бўйича давлат илмий-техник дастурларига киритилган ва Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги лойиҳалари доирасида амалга оширилган: “Бошқариладиган механик мажмуалар ва механизмларнинг назарий асосларини ва янги авлод қурилмаларини яратиш”.

Тадқиқотнинг мақсади: гидроприводларни конструкциялаш ва мукамаллаштиришда энерготежамкорлик нуқтаи назаридан гидравлик суюқлик гидродинамикасининг назарий асосларини ривожлантириш ва энергия тежашга олиб келувчи технология ва қурилмани асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

машиналарнинг гидравлик приводларини такомиллаштиришда гидродинамик жараёнларнинг замонавий тадқиқот усулларини таҳлил қилиш;

гидравлик приводларнинг гидравлик суюқликлари гидродинамикасининг мавжуд математик моделларини аналитик таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича таклиф бериш;

паст ва юқори суюқлик тезлигида машиналарнинг гидравлик приводларидаги гидравлик суюқлик оқимида ҳақиқий физик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда самарали тадқиқот усулини ишлаб чиқиш, узун қувурли гидравлик привод каналларидаги гидродинамик жараёнларнинг моляр алмашинувини ҳисобга олувчи янги ва такомиллашган математик моделини яратиш;

оқимдаги қатламлар орасидаги молекулаларнинг ягона ва гуруҳли алмашувининг реологик қонуни бўйича гидравлик приводларнинг текис параллел ва цилиндрсимон каналларида гидравлик суюқлик оқимининг стационар ва ностационар муаммоларини ҳал қилиш;

суюқликда электр разрядидан ҳосил бўлган сферик ва цилиндрсимон каналнинг тарқалиш жараёнини истиқболли гидравлик приводларда босим ҳосил қилиш усули сифатида математик моделини ишлаб чиқиш;

оқимнинг гидродинамик параметрларини яхшилаш мақсадида торайиб борувчи кириш, доимий радиусли ўрта ва кенгайиб борувчи чиқиш қисмларидан иборат каналнинг сегментли қисмида гидравлик суюқликнинг гидродинамик параметрларини аниқлаш ва торайиб борувчи кириш, доимий радиусли ўрта ва кенгайиб борувчи чиқиш қисмларидан иборат конструкция яратиш.

Тадқиқотнинг объекти бошқа приводларга нисбатан бир қанча устунликларга эга бўлган ва саноатнинг турли соҳаларида, жумладан

машинасозлик соҳасида ҳам автоматлаштириш ва механизациялаштириш воситаси саналган гидравлик приводдир.

Тадқиқотнинг предмети – гидравлик привод каналларида гидравлик суюқлик оқимидаги молекуляр ва моляр модда алмашинувини ҳисобга олган ҳолда стационар ва ностационар оқиши жараёни; гидропривод учун босим ҳосил қилиш усули сифатида қараладиган суюқликдаги электр разряди ҳодисаси натижасида келиб чиқадиган суюқлик оқимининг динамикаси, шунингдек гидроприводнинг турли шаклга эга каналларидаги суюқликнинг ҳаракати.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш усуллари, назарий ва техник гидромеханика, хусусий ҳосиллали дифференциал тенгламалар назарияси, операцион ҳисоб назарияси ва сонли моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

суюқлик оқадиган каналнинг цилиндрсимон қувуридаги сегментли участка конструкцияси ишлаб чиқилди;

сегмент соҳасидаги суюқлик босимини аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилди;

параболик кириш, ўрта цилиндрсимон ва гиперболик чиқиш қисмларидан иборат сегментли қисмлари ишлаб чиқилди;

эгилиш ва қисилиш нуқталарининг ҳамда иситиш ва суғориш тизимлари қувурлари каналларида сегментли участкаларини ўрнатиш параметрлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги техникасининг гидравлик приводларида сегментли участкали ўтказгич конструкцияси ишлаб чиқилган;

гидравлик суюқликнинг паст ва юқори тезликда реал физик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда гидравлик приводлар каналларидаги гидродинамик жараёнларнинг математик модели яратилди;

гидравлик суюқлик оқимидаги молекулаларнинг қатламлараро якка ва гуруҳли алмашувининг реологик қонуни асосида гидравлик приводларнинг цилиндрсимон каналларида гидравлик суюқлик ҳаракатининг ностационар масаласи учун аналитик ечим олинди;

суюқлик оқимидаги импульснинг молекуляр ва моляр алмашувини ҳисобга олган ҳолда узун қувурли гидравлик приводларнинг текис параллел ва цилиндрик каналларида гидродинамик параметрларни аниқлашнинг стационар масалалари учун аналитик ечимлар олинди;

гидравлик приводнинг текис-параллел ва цилиндрик каналларида гидравлик суюқликнинг пульсацияли ҳаракати учун аналитик ечимлар олинган;

истикболли гидравлик приводларда босим ҳосил қилиш усули сифатида суюқликдаги электр разряди ҳодисаси динамикасининг математик модели ишлаб чиқилган ва разряд жараёнида ҳосил бўлган каналнинг цилиндрсимон ва сферик кенгайишидан юзага келувчи оқимнинг

гидродинамик параметрларини аниқлаш учун ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суёқлик оқадиган каналнинг цилиндрсимон қувуридаги сегментли участка конструкцияси жорий қилингани натижасида суёқлик тезлиги 18-20% га ошди;

сегмент соҳасидаги суёқлик босимини аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилди ва суёқлик оқимининг гидродинамик хусусиятларини аниқлаш учун олинган умумлаштирилган қонуниятларни тадбиқ этиш натижасида босим қийматини аниқлаш аниқлиги 10-12% га ошди;

параболик кириш, ўрта цилиндрсимон ва гиперболик чиқиш қисмларидан иборат сегментли қисмни тадбиқ этиш натижасида хизмат кўрсатиш муддати 1,2-1,3 баравар ошди;

эгилиш ва қисилиш нуқталарининг ҳамда иситиш ва суғориш тизимлари каналларида сегментли участкаларини ўрнатиш жойларини аниқлаш ва тадбиқ этиш натижасида суёқликларни узокқа етказиб бериш масофаси 1,5-1,6 мартага ошди;

қишлоқ хўжалиги техникасининг гидравлик приводларида сегментли участкали ўтказгич конструкцияси тадбиқ этиш натижасида узатиладиган юкламаларни узатиш вақти 1,2-1,3 бараварга камайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг суёқликлар механикасининг классик қонунлари, математик моделлаштириш, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси, операцион ҳисоблаш назарияси, сонли моделлаштириш орқали ҳал қилиниши билан ва ҳисоблаш тажрибаларининг ижобий натижалари билан таққосланган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, суёқликдаги молекуляр ва моляр алмашувни биргаликда ҳисобга олишнинг реологик қонуни билан гидропривод каналларида гидравлик суёқлик оқими масалаларининг аналитик ечимлари, гидроприводдаги турли қисмлардан иборат каналларда суёқликнинг гидродинамик параметрларини аниқлаш учун аналитик ечимлар ва суёқликдаги электр разрядининг математик модели яратилди. Ушбу натижаларнинг барчаси гидродинамика ва умумий машинашунослик саноатида қўлланиладиган механизм ва машиналарнинг турли амалий муаммоларига қўллаш имкониятларини тўлдиради.

Олинган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг гидропривод тизимларини ҳисоблашда, шунингдек суёқликларни қувурлар орқали узок масофага етказиб беришда, нефть-кимё ва озик-овқат саноатида, пневматик конвейерларда янги технологияларни ишлаб чиқишда, динамик ҳисоб-китобларни амалга оширишда ва суёқликдаги электроразряд эффектидан фойдаланган ҳолда ихчам гидроприводлар, компрессорлар ва

бошқа қурилмаларни яратишда, уларнинг рационал параметрларини танлашда қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидравлик приводларда ва бошқа суюқлик оқадиган қурилмаларда турли хил кўндаланг кесимга эга ва ҳар хил сегментлардан иборат қурилма орқали ҳаракатланадиган оқимни моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидравлик приводларда ва бошқа суюқлик оқадиган қурилмаларда турли хил кўндаланг кесимга эга ва ҳар хил сегментлардан иборат қурилма орқали ҳаракатланадиган оқимни моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суюқлик оқадиган каналнинг цилиндрсимон қувуридаги сегментли участка конструкцияси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Жондор давлат ўрмон хўжалигида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 05/21-2346 - сон маълумотномаси). Натижада суюқлик тезлигини 18-20% га ошириш имкони яратилган;

сегмент соҳасидаги суюқлик босимини аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилди. Суюқлик оқимининг гидродинамик хусусиятларини аниқлаш учун олинган умумлаштирилган қонуниятларни татбиқ этиш натижасида босим қийматини аниқлаш аниқлиги 10-12% га ошди (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 05/21-2346 - сон маълумотномаси);

параболик кириш, ўрта цилиндрсимон ва гиперболик чиқиш қисмларидан иборат сегментли қисмни татбиқ этиш натижасида хизмат кўрсатиш муддати 1,2-1,3 баравар ошди (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 05/21-2346 - сон маълумотномаси);

эгилиш ва қисилиш нуқталарининг ҳамда иситиш ва суғориш тизимлари каналларида сегментли участкаларини ўрнатиш жойларини аниқлаш ва татбиқ этиш натижасида суюқликларни узоққа етказиб бериш масофаси 1,5-1,6 мартага ошди (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 05/21-2346 - сон маълумотномаси);

қишлоқ хўжалиги техникасининг гидравлик приводларида сегментли участкали ўтказгич конструкцияси татбиқ этиш натижасида узатиладиган юкламаларни узатиш вақти 1,2-1,3 бараварга камайди ҳамда иссиқхоналарни иситиш учун сарфланадиган умумий харажатлари қисқариши ҳисобига рентабеллик 10-12% га оширилди (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги № 05/21-2346 - сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотлари натижалари 10 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 3 та

халқаро (жумладан, Хитой Халқ Республикасида) ва 7 та республика конференцияларида эълон қилинди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий ишлар, шу жумладан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини (DSc) чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 10 та мақола: уларнинг 4 таси Республика журналларида, 2 таси Scopus базаси журналида (Journal of Physics) ва 4 таси Clarivate Analytics базаси журналида (ISJ Theoretical & Applied Science, Philadelphia, USA) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Асосий тенгламалар ва гидравлик приводлардаги суюқлик ҳаракатининг математик моделини ишлаб чиқиш"** деб номланган биринчи бобида танланган тадқиқот мавзуси бўйича адабий манбааларни таҳлилий аналитик кўриб чиқиш ва тадқиқот мақсади қўйилган. Машиналарнинг гидравлик приводларини лойиҳалаш ва ҳисоблашда гидравлик суюқликларнинг гидродинамик параметрларини аниқлашнинг мавжуд усуллари оқимдаги ўзига хос хусусиятлари кўпга тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳисобга олинмаган: суюқликлар механикасининг классик усулларида фойдаланмаслик, технологик жараённинг математик моделларини тузишда бир қатор омиллар ҳисобга олинмайди, хусусан, юқори тезлик хусусиятлари ва турли геометрияликаналлар шакли хилма-хиллигини ҳисобга олмаслик.

Мавжуд классик қонунларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, ушбу тадқиқотлар соҳасидаги катта бўшлиқни тўлдирадиган гидроприводлар каналларидаги оқимнинг ҳақиқий физик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда реологик қонун ишлаб чиқилган.

Гидравлик суюқлик ҳаракатининг асосий тенгламаси узун қувурли гидроприводлар оқимида импульснинг молекуляр ва моляр алмашишини ҳисобга олувчи реологик қонун асосида олинган. Оқим қатламларидаги молекулаларнинг қатламлараро алмашувининг иккита механизми ҳисобга олинса, суюқлик ҳаракатининг асосий тенгламалари бўлган ва иккинчи

тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама ҳисобланган Навье-Стокс тенгласида учинчи тартибли хусусий ҳосилали ҳадлар ҳосил бўлади.

Гидропривод цилиндрик каналларида гидравлик суюқликнинг ҳаракат тенгласи $v_1 = v_1(x_2, t)$, $v_2 = const$, $dp/dx_1 = N = const$ деб фараз қилсак танланган реологик қонун учун қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$m_l \left(\frac{\partial^3 v_1}{\partial t \partial x_2^2} + \frac{1}{x_2} \frac{\partial^2 v_1}{\partial t \partial x_2} \right) + m_l v_2 \left(\frac{\partial^3 v_1}{\partial x_2^2} + \frac{1}{x_2} \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} \right) + \mu \left(\frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} + \frac{1}{x_2} \frac{\partial v_1}{\partial x_2} \right) = N. \quad (1)$$

Ушбу тенглама қуйидаги бошланғич ва чегара шартлари билан ечилади:

$$\left. \begin{aligned} v_1 = 0, \quad \frac{\partial v_1}{\partial x_2} = 0, \quad \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} = 0 \quad t = 0, \\ \frac{\partial v_1}{\partial x_2} = 0, \quad v_1 < \infty \quad x_1 = 0, \\ v_1 = 0 \quad x_1 = R. \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

Бунда ν – оқим тезлиги, p – босим, ρ – суюқлик зичлиги, μ – суюқликнинг динамик ёпишқоқлик коэффиценти; m_l – моляр алмашув коэффиценти, t – вақт, R – цилиндрик канал радиуси.

Гидропривод цилиндрик каналларида гидравлик суюқликнинг ҳаракат тезлигини (1) тенгламадан топиш учун тенгламанинг кўринишини ўзгартирамиз

$$m_l \frac{1}{x_2} \frac{\partial}{\partial t} \left(x_2 \frac{\partial^2 v_1}{\partial t \partial x_2} \right) + m_l v_2 \frac{1}{x_2} \frac{\partial}{\partial x_2} \left(x_2 \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} \right) + \mu \frac{1}{x_2} \frac{\partial}{\partial x_2} \left(x_2 \frac{\partial v_1}{\partial x_2} \right) = N. \quad (3)$$

Бу тенгламани икки томонини x_2 га кўпайтириб интеграллаймиз. Бу амалларни яна бир такрорлаб қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$$\frac{\partial v_1}{\partial x_2} + \frac{1}{x_2} \frac{\partial v_1}{\partial t} + \frac{\mu}{m_l v_2} v_1 = \frac{N x_2^2}{4 m_l v_2} + \frac{c_1}{m_l v_2} \ln x_2 + \frac{c_2}{m_l v_2}. \quad (4)$$


Вақт бўйича Лаплас алмаштиришини қўллаб, ҳосил бўлган доимийларни (2) шартларидан аниқлаб, ҳақиқий ўзгарувчиларга ўтамиз:

$$\begin{aligned}
v_1(t, x_2) = & \frac{dp}{dx_1} \frac{1}{4\mu} \left\{ (x_2^2 - R) \left(1 - e^{-\frac{\mu}{m_l}t} \right) - \right. \\
& - 2(x_2 - R)v_2 \frac{m_l}{\mu} \left(1 - e^{-\frac{\mu}{m_l}t} - t \frac{\mu}{m_l} e^{-\frac{\mu}{m_l}t} \right) + \\
& + 2v_2^2 e^{-\frac{\mu x_2}{m_l v_2}} \left[e^{-\frac{\mu}{m_l}t} \left(\frac{t^2}{2} + \frac{t^2}{2} \frac{\mu x_2}{m_l v_2} + t \frac{m_l}{\mu} + \frac{m_l^2}{\mu^2} \right) - \frac{m_l^2}{\mu^2} \right] - \\
& \left. - 2v_2^2 e^{-\frac{\mu x_2}{m_l v_2}} \left[e^{-\frac{\mu}{m_l}t} \left(\frac{t^2}{2} + \frac{t^2}{2} \frac{\mu R}{m_l v_2} + t \frac{m_l}{\mu} + \frac{m_l^2}{\mu^2} \right) - \frac{m_l^2}{\mu^2} \right] \right\}. \quad (5)
\end{aligned}$$

Ушбу (5) функция (1) тенгламининг умумий ечими бўлиб, суюқликнинг цилиндрик кувурдаги тезлигини ифодалайди. Бунда $t \rightarrow \infty$ бўлганда тезликнинг стационар ифодасини оламиз:

$$v_1 = \frac{dp}{dx_1} \frac{1}{4\mu} \left[(x_2^2 - R) - 2(x_2 - R)v_2 \frac{m_l}{\mu} + 2v_2^2 \frac{m_l^2}{\mu^2} \left(e^{-\frac{\mu R}{m_l v_2}} - e^{-\frac{\mu x_2}{m_l v_2}} \right) \right]. \quad (6)$$

Танланган реологик қонун учун цилиндрик трубада суюқлик оқимининг модел масаласини олинган аналитик ечими асосида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Улар моляр коэффицент ошган сари максимал тезликлар соҳаси трубанинг ўртасидан периферик минтақага силжишини кўрсатдилар. Оқим ўқидаги тезликнинг пасайиши, муаллиф фикрига кўра, ички моляр ишқаланишнинг кучини ошиши билан боғлиқ (1 - расм).



1- расм. Тезликнинг профиллари.

Шунга асосан гидроприводнинг паст ва юқори тезликда ишлайдиган режимларида гидродинамик жараёнларни тавсифлаш учун танланган реологик моделнинг мувофиқлиги аниқланди.

“Гидроприводларнинг текис ва юмалоқ қувурларида суюқликнинг стационар ҳаракати” деб номланган иккинчи бобида гидроприводлардаги суюқлик оқимининг стационар масалалари тадқиқотлари келтирилган. Узун қувурли гидроприводларнинг текис-параллел ва цилиндрсимон каналларида ишлайдиган суюқликнинг оқими ўрганилган. Бу икки масаланинг аналитик ечимлари операцион ҳисоб назариясидан Лаплас алмаштириши ва Эфрос теоремасини қўллаш орқали олинади. Олинган ечимлар асосида ўтказилган ҳисоблаш амалларининг миқдорий натижалари келтирилган.

Текис-параллел қувурдаги оқим масаласининг ечилишини кўриб чиқамиз. Суюқликнинг ҳаракат тенгламаси танланган реологик қонун учун қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} \rho v_1 \frac{\partial v_1}{\partial x_1} + \rho v_2 \frac{\partial v_1}{\partial x_2} = -\frac{dp}{dx_1} + \mu \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} + m_l \left(v_1 \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2 \partial x_1} + v_2 \frac{\partial^3 v_1}{\partial x_2^3} + \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2} \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_1 \partial x_2} + \frac{\partial v_2}{\partial x_2} \frac{\partial^2 v_1}{\partial x_2^2} \right), \\ \frac{\partial v_1}{\partial x_1} + \frac{\partial v_2}{\partial x_2} = 0. \end{cases} \quad (7)$$

Бу тенгламалар системасини ечиш учун янги ўзгарувчиларга ўтамыз:

$$v_x = \frac{v_1 - u_0}{u_0}, \quad v_y = \frac{v_2}{u_0}, \quad P = \frac{p - p_0}{\rho u_0^2}, \quad x = \frac{x_1}{h}, \quad y = \frac{x_2}{h}, \quad (8)$$

бунда p_0 – бошланғич босим; $2h$ – қувурнинг деворлари орасидаги масофа; v_x , v_y , P – бошланғич кесимда нолга айланадиган кичик сонлар. Иккинчи даражали кичик сонларни ташлаб юбориб, қуйидагига эга бўламиз:

$$\begin{cases} \frac{\partial^2 v_x}{\partial y^2} - \text{Re} \left(\frac{\partial v_x}{\partial x} + \frac{dP}{dx} \right) + a \frac{\partial v_x^3}{\partial y^2 \partial x} = 0, \\ \frac{\partial v_x}{\partial x} + \frac{\partial v_y}{\partial y} = 0. \end{cases} \quad (9)$$

Бунда $\text{Re} = \frac{hu_0}{\nu}$ – Рейнольдс сони, $a = \frac{m_l \text{Re}}{\rho h^2}$ – моляр кўчиш ўлчовсиз сони. Қараладиган масаланинг чегара шартлари қуйидагича бўлади:

$$\left. \begin{aligned} v_x = 0, \quad P = 0 \quad x = 0, \\ \frac{\partial v_x}{\partial y} = 0, \quad v_y = 0, \quad |v_x| < \infty \quad y = 0, \\ v_x = -1, \quad v_y = 0 \quad x > 0 \quad y = \pm 1. \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

Танланган модел учун суюқликнинг текис қувурдаги стационар оқимини ифодалайдиган (9) тенгламани (10) шартларда ечимини олиш учун x бўйича Лаплас алмаштиришини амалга оширамыз ва ҳақиқий ўзгарувчиларга ўтиш ҳақидаги Эфрос теоремасидан фойдаланиб масала ечимини топамиз:

$$\frac{p_0 - p}{\rho u_0^2} = \frac{3}{\rho h^2} \left(m_l + \frac{x_1 \mu}{u_0} \right) + \frac{1}{5} - 2\rho h^2 \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\exp\left[\frac{x_1 \mu \xi_n^2}{u_0(m_l \xi_n^2 + \rho h^2)} \right]}{\xi_n^2 (m_l \xi_n^2 + \rho h^2)}, \quad (11)$$

$$\frac{v_1}{u_0} = \frac{3}{2} \left[1 - \left(\frac{x_2}{h} \right)^2 \right] + 2\rho h \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\cos(\xi_n \frac{x_2}{h}) - \cos \xi_n}{\xi_n^2 (m_l \xi_n^2 + \rho h^2) \cos \xi_n} \exp\left(-\frac{x_1 \mu \xi_n^2}{u_0(m_l \xi_n^2 + \rho h^2)} \right), \quad (12)$$


Олинган (11) ва (12) формулалар $m_l = 0$ ҳолда чизикли тезлик профили масаласидаги натижалар билан устма-уст тушади. $x_1 \rightarrow \infty$ ҳолида бу ечим оқимнинг параболик режимини беради. С.М.Таргнинг ламинар оқим учун олган аналитик ечими олинган ечимимизнинг хусусий ҳоли бўлиб қолади. Шунга асосан хулоса қилиш мумкинки, муаллиф томонидан олинган ечим ушбу масаланинг умумлашган ечими ҳисобланади. Олинган аналитик ечим асосидаги ҳисоблашлар оқимда ядро пайдо бўлиши (2-расм) ва Никурадзенинг экспериментал ва Струминскийнинг назарий натижалари билан солиштириш орқали ифодаланган (3 – расм).

Худди олдинги ҳолдаги каби Лаплас алмаштиришини бажариб ва дастлабки ҳақиқий ўзгарувчиларга ўтиш учун яна операцион ҳисоблаш назариясидаги Эфрос теоремасидан фойдаланиб гидроприводнинг цилиндрик каналларидаги суюқлик оқимини гидродинамик параметрлари аниқланган:

$$\frac{p - p_0}{\rho u_0^2} = -\frac{8\nu x_1}{u_0 R^2} - \frac{8m_l}{\rho R^2} - 4 \sum_{k=1}^{\infty} \frac{\beta_k^2 m_l + \rho R^2 [1 - \exp(-\frac{\rho \nu x_1 \beta_k^2}{u_0(m_l + \rho R)})]}{\beta_k^2 (m_l \beta_k^2 + \rho R^2)}. \quad (13)$$

$$\frac{v_1 - u_0}{u_0} = 4 \sum_{k=1}^{\infty} \frac{\beta_k^2 m_l + \rho R^2 [1 - \exp(-\frac{\rho \nu x_1 \beta_k^2}{u_0(m_l + \rho R)})]}{\beta_k^2 (m_l \beta_k^2 + \rho R^2)} \left(1 - \frac{J_0(\frac{x_2}{R} \beta_k)}{J_0(\beta_k)} \right) + \quad (14)$$


$$+ 4 \sum_{k=1}^{\infty} \frac{\mu_k^2 m_l + \rho R^2 [1 - \exp(-\frac{\rho \nu x_1 \mu_k^2}{u_0(m_l + \rho R)})] [2J_1(\mu_k) - \mu_k J_2(\mu_k)]}{\mu_k^2 (m_l \mu_k^2 + \rho R^2) J_1(\mu_k) J_2(\mu_k)} J_0(\mu_k \frac{x_2}{R}).$$



— · — · — $Re=2500, a=100$

— · · — · — $Re=500, a=0.5$

2 - расм. $20h$ масофадаги тезлик. $v_1(x_2)/v_1(0)$.



— · — · — Никурадзе

— · · — · — В.В. Струминский

— · · · — · — муаллиф

3 - расм. $Re=12500, a=500$ да

Бу олинган (13) ва (14) формулалар цилиндрик каналларда суюқликнинг босим ва тезликларини молекуляр ва моляр алмашуви реологик қонуни учун ечими ҳисобланади. Моляр алмашув коэффициенти $m_l = 0$ бўлган ҳолда С.М. Тарг томонидан кўрилган ва нима сабабдандир охиригача олиб борилиб ечими олинмаган цилиндрик каналдаги ламинар оқим масаласининг ечимини беради.

“Оқимдаги молекуляр ва моляр алмашишни ҳисобга олган ҳолда гидроприводдаги суюқликнинг пульсацияланувчи ҳаракатини моделлаштириш” мавзусидаги учинчи бобда гидроприводларнинг текис ва цилиндрсимон каналлари учун пульсацияланувчи оқим тадқиқ этилди.

Кўриб чиқиладиган муаммолар операцион ҳисоб қоидаларини қўллаш орқали ҳал қилинади: булар Лаплас алмаштириши ва Коши теоремаси ёрдамида амалга оширилади.

Гидропривод цилиндрсимон каналидаги гидравлик суюқликнинг пульсацияли ҳаракати масаласининг ечилишини кўриб чиқамиз. Ҳаракат тенгламаси танланган реологик қонун учун қуйидагича бўлади:

$$\frac{\partial v_1}{\partial t} = -\frac{\partial P}{\partial x} + \mu \left(\frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + \frac{1}{y} \frac{\partial v_1}{\partial y} \right) + m_l \left[\frac{\partial^3 v_1}{\partial t \partial x^2} + \frac{1}{y} \frac{\partial^2 v_1}{\partial t \partial y} + v_1 \left(\frac{\partial^3 v_1}{\partial x \partial y^2} + \frac{1}{y} \frac{\partial^2 v_1}{\partial x \partial y} \right) \right]. \quad (15)$$

Тезликнинг v_2 компоненти v_1 билан қуйидаги тенглама билан боғланган

$$\frac{\partial v_1}{\partial x} + \frac{1}{y} \frac{\partial (y v_2)}{\partial y} = 0 \quad (x > 0, y > 0, t > 0). \quad (16)$$

Босим ўзгариши қуйидаги кўринишда берилади:

$$-\frac{\partial P}{\partial x} = a + b \cos \omega t \quad (t > 0, a, b, \omega = \text{const}). \quad (17)$$

(15) ва (16) тенгламалар қуйидаги бошланғич ва чегара шартларига эга бўлади:

$$v_1(x, y, 0) = \frac{\partial v_1}{\partial y}|_{t=0} = \frac{\partial^2 v_1}{\partial y^2}|_{t=0} = 0 \quad (x \geq 0, y \geq 0). \quad (18)$$

$$v_1(0, y, t) = u_0(1 - e^{-\gamma t}); \quad \frac{\partial v_1}{\partial y}|_{x=0} = \frac{\partial^2 v_1}{\partial y^2}|_{x=0} = 0 \quad (y > 0, t > 0), \quad (19)$$

$$\frac{\partial v_1(x, 0, t)}{\partial y} = v_2(x, 0, t) = 0 \quad (x > 0, t > 0), \quad (20)$$

$$v_1(x, R, t) = v_2(x, R, t) = 0 \quad (x > 0, t > 0), \quad (21)$$

$$\lim_{x \rightarrow \infty} v_1(x, y, t) = \omega = \text{const}. \quad (22)$$

Бунда γ – тезлик $x=0$ да мувозанат ҳолатидан $u_0 = \text{const}$ тезликка оний ўтиш параметри.

Гидропривод каналида содир этиладиган пульсацияли оқимнинг тезлик ифодаларини топиш учун

$$u(x, y, t) = v_1(x, y, t) - u_0(1 - e^{-\gamma t}) \quad (23)$$

функциясини киритамиз ҳамда вақт бўйича Лаплас, координата бўйича Ханкел алмаштиришларини қўллаб ва топилган ечимга операцион ҳисоб назариясининг ҳақиқий ўзгарувчиларга ўтиш ҳақидаги маълум теоремасини қўллаб гидропривод текис-параллел каналидаги пульсацияли оқимнинг тезлигини қуйидаги функционал боғланишлар орқали аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} v_1(x, r, t) = & \frac{aR^2}{4\mu} \left(1 - e^{-\frac{\mu x}{u_0 m_i}} \right) (1 - r^2) + \frac{b}{\rho\omega} \sin \omega t + \\ & + \frac{2bR^2}{\mu} \sum_i \frac{\lambda^2}{(\lambda^2 + \omega^2)} \left[\cos \omega t - e^{-\frac{\mu x}{u_0 m_i}} \cos \omega(t - t_1) - \frac{\xi_i^2}{\rho\omega R^2} \times \right. \\ & \left. \times \left(\mu + \frac{\xi_i^2}{\rho\omega R^2} \left(\mu + \frac{m_i \omega^2}{\lambda} \right) \sin \omega t - \frac{\omega}{\lambda} e^{-\frac{\mu x}{u_0 m_i}} \sin \omega(t - t_1) \right) \right] \frac{J_0(r\xi_i)}{\xi_i^3 J_1(\xi_i)}. \end{aligned} \quad (24)$$

$$rv_2(x, r, t) = -\frac{R^3}{16u_0 m_i} e^{-\frac{\mu x}{u_0 m_i}} \left\{ (1 - r^2)^2 + 32b \sum_i \frac{\cos \omega \left(t - \frac{\mu x}{u_0 m_i \lambda_i} \right)}{\xi_i^4} \left[1 - \frac{rJ_0(r\xi_i)}{\xi_i^3 J_1(\xi_i)} \right] \right\}. \quad (25)$$

Олинган ечимлар асосида ўтказилган ҳисоблаш амалларининг миқдорий натижалари келтирилган. Уларда бу ечим қувурлардаги эрозияни камайтириш, турли хил суспензияларни транспортировкаси масалари учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган Ричардсон эффектини ифодалаб бериши таъкидлаб ўтилган.

Гидропривод текис-параллел каналидаги гидравлик суюқликнинг пульсацияли ҳаракати масаласи ҳам худди шу усулда ечилган.

“Суюқликда электр разряди жараёнини моделлаштириш” тўртинчи бобида гидропривод учун босим манбаи сифатида суюқликдаги электр разряди жараёни кўриб чиқилади. Бу ҳодисани ўрганиш математик моделлаштириш орқали амалга оширилади.

Суюқликдаги электр разряди ҳодисаси ҳисобига ҳосил бўлган плазмали бўшлиқ билан суюқлик орасидаги ҳаракатланувчи чегарани аниқлаш ва белгилаб олиш жараёни натижасида ҳосил бўладиган оқимнинг гидродинамик параметрларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

